

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕЗКОР
БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН ЁШЛАР ОРАСИДАГИ
ГУРУХИЙ ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШДАГИ АЙРИМ
МУАММОЛАР**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

мустақил изланувчиси

Тураев Эшон Амиджонович

Аннотация: Мақолада рақамлашиш ва глобаллашув шароитида ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ёшлар ўртасидаги гуруҳий ва уюшган жиноятларни фош этишда юзага келаётган тизимли ҳамда ташкилий-услубий муаммолар комплекс таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан норасмий ёшлар тузилмаларининг виртуал маконга ўтиши, яширин рақамли молиялаштириш ва муқобил тўлов тизимларидан фойдаланиши шароитида анъанавий тезкор-қидирув усулларининг самарадорлиги пасаяётгани асослаб берилган. Мақолада ёшлар жиноятчилигининг барвақт олдини олишда мажмуавий “умумижтимоий профилактика” тизимини қўллаш, замонавий рақамли изқуварлик механизмларини жорий этиш ҳамда жиноий уюшма фаолиятини молиялаштирувчи шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи Жиноят кодексига 242¹-моддани киритиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ёшлар жиноятчилиги, тезкор бўлинмалар, гуруҳий жиноятлар, тезкор-қидирув фаолияти, уюшган жиноятчилик, рақамли излар, киберфирибгарлик, яширин молиялаштириш, хавала тизими, криптовалюта, умумижтимоий профилактика, криминологик портрет, жиноий уюшма, молиявий мониторинг, инновацион тактика

**НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАСКРЫТИЯ ГРУППОВЫХ
ПРЕСТУПЛЕНИЙ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ ОПЕРАТИВНЫМИ
ПОДРАЗДЕЛЕНИЯМИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ**

Тураев Эшон Амиджонович

Соискатель Академии МВД Республики Узбекистан

Аннотация: В статье проведен комплексный анализ системных и организационно-методических проблем, возникающих при раскрытии групповых и организованных преступлений среди молодежи оперативными подразделениями органов внутренних дел в условиях цифровизации и глобализации. Автором обосновано снижение эффективности традиционных оперативно-розыскных методов в условиях перехода неформальных молодежных структур в виртуальное пространство, использования ими скрытого цифрового финансирования и альтернативных платежных систем. В статье выдвинуты научно-практические предложения и рекомендации по применению комплексной системы «общесоциальной профилактики» для раннего предупреждения молодежной преступности, внедрению современных механизмов цифрового сыска, а также внесению в Уголовный кодекс статьи 242¹, предусматривающей ответственность лиц, финансирующих деятельность преступного сообщества.

Ключевые слова: молодежная преступность, оперативные подразделения, групповые преступления, оперативно-розыскная деятельность, организованная преступность, цифровые следы, кибермошенничество, скрытое финансирование, система хавала, криптовалюта, общесоциальная профилактика, криминологический портрет, преступное сообщество, финансовый мониторинг, инновационная тактика.

**CERTAIN PROBLEMS IN SOLVING GROUP CRIMES
AMONG YOUTH BY OPERATIONAL UNITS OF INTERNAL
AFFAIRS BODIES**

Turaev Eshon Amidjonovich

Independent Researcher, Academy of the Ministry of Internal Affairs

of the Republic of Uzbekistan

Abstract: The article presents a comprehensive analysis of systemic and organizational-methodological issues arising in the solving of group and organized youth crimes by operational units of internal affairs bodies under the conditions of digitalization and globalization. The author substantiates the declining effectiveness of traditional operational-search methods amidst the shift of informal youth structures to virtual space and their use of hidden digital financing and alternative payment systems. The paper puts forward scientific and practical proposals and recommendations for applying a comprehensive "general social prevention" system for the early prevention of youth crime, introducing modern digital investigation mechanisms, and inserting Article 242¹ into the Criminal Code to establish liability for individuals financing the activities of a criminal association.

Keywords: youth crime, operational units, group crimes, operational-search activity, organized crime, digital traces, cyber fraud, hidden financing, hawala system, cryptocurrency, general social prevention, criminological profile, criminal association, financial monitoring, innovative tactics.

Жаҳон ҳамжамиятида кечаётган глобаллашув жараёнлари ва рақамли технологияларнинг шиддат билан ривожланиши жиноятчиликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда уюшган жиноятчилик нафақат жамоат

хавфсизлигига, балки давлатнинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлигига жиддий таҳдид солмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги кунда жиноят оқибатлари билан курашишни эмас, балки жиноятчиликнинг асл омилларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш орқали унинг барвақт олдини олишни устувор мақсадга айлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда” [1].

Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида назарий қоидаларни реал амалиётга жорий этиш ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситаси бу тўғри танланган ва ўз вақтида қўлланилган тезкор-қидирув усуллари ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, норасмий ёшлар тузилмаларининг марказлашмаган ва рақамли технологиялар орқали ҳимояланган мураккаб моделга ўтиши оқибатида, ички ишлар органлари томонидан қўлланилаётган ананавий усуллар, ёндашувлар кутилган натижани бермаяпти. Бу ҳолат тезкор бўлинмалар олдида ёшларнинг жинсий гуруҳларини фош этиш жараёнида мутлақо янги, ностандарт ва инновацион тактик ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш вазифасини қўймоқда.

Тадқиқот натижалари ва суд-тергов амалиётининг комплекс таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тезкор бўлинмалар фаолиятида мазкур янгича таҳдидларга қарши тактик асосларни қўллашда қатор тизимли ва ташкилий-услубий муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, ёшлар гуруҳий жиноятларини фош этишда илдам ва ташаббускор тактикадан кўра кўпроқ жиноят оқибатлари билан курашишга эътибор қаратилаётгани, виртуал макондаги рақамли изларни тезкор-процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш ва масофавий тезкор эксперимент тадбирларини ўтказишнинг тактик алгоритмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек, ёшлар гуруҳларининг яширин

молиялаштириш каналларини чеклашда инновацион изқуварлик воситаларини қўллашдаги оқсоқликлар шулар жумласидандир.

Ёшлар сиёсати ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича изланишлар олиб бораётган маҳаллий олимлар Г.Бобоева ва А.Алимов мазкур муаммонинг криминоген омилларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “...келажак авлоднинг тақдири билан боғлиқ бўлган ёшлар жиноятчилиги ҳамиша долзарб аҳамият касб этиб келади, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар жиноятчилигига асосан носоғлом муҳитда вояга етган, ота-оналар назоратсиз қолган қатлам вакиллари қўл уришади. Уларнинг ўз вақтини бесамар ўтказиши, қаровсизлиги охир-оқибат турли салбий иллатлар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда ушбу муаммонинг олдини олиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда” [2]. Дарҳақиқат, оилавий назоратнинг сусайиши ва ижтимоий қаровсизлик кўпинча ўсмирларнинг норасмий тузилмаларга қўшилишига ва пировардида ёшлар орасидаги гуруҳий жиноятларнинг шаклланишига асосий замин яратади.

Г.М. Тамбовцеванинг таъкидлашича, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича салмоқли назарий база яратилганлигига қарамасдан, қатор концептуал масалалар ҳанузгача ўз ечимини топмаган бўлиб, бу муаммолар бевосита ёшлар ўртасидаги гуруҳий жиноятчиликка ҳам тўлиқ тааллуқлидир. Хусусан, деструктив ёшлар тузилмалари иштирокчиларининг замонавий криминологик портретини яратиш, ушбу норасмий ёшлар гуруҳларининг янгиланган таснифини ишлаб чиқиш ва уларнинг рақамли макондаги фаолият хусусиятларини аниқлаш каби жиҳатлар ҳанузгача тизимли тадқиқ этилмай қолмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва тезкор-қидирув амалиётида “ёшлар уюшган жиноятчилиги” тушунчасининг замонавий мазмунини белгилаш, унинг шакл ва турларини тўғри дифференциация қилиш,

масалан, ёшларнинг оддий гуруҳий безорилигини тизимли уюшган жиноятдан фарқлаш, шу билан бирга, маълум бир минтақадаги ёшлар гуруҳбозлигининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини шакллантирувчи ўзига хос омилларни чуқур ўрганиш масалалари ҳамон очик қолмоқда [3].

Дарҳақиқат, олимнинг мазкур ҳақли эътирофига тўлиқ қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшлар ўртасидаги жиноий гуруҳларнинг табиати анъанавий уюшган жиноятчилик қолипларига тушмайди. Шу боис, уларнинг фаолиятини ва ички тузилмасини фақатгина эскирган назарий мезонлар асосида баҳолаш ёки фош этиш мумкин эмас.

Мазкур ҳолат тезкор-қидирув амалиётида ёшлар жиноий тузилмаларининг замонавий криминологик портрети ва уларнинг виртуал муҳитдаги ҳаракатланиш алгоритмларига тўлиқ мослашган, мутлақо янги методикани ишлаб чиқиш қатъий зарурият эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Криминолог олимлар В.Е. Эминов ва С.В. Максимовларнинг илмий хулосаларига таянган ҳолда қайд этиш жоизки, ёшлар ўртасидаги гуруҳий ва уюшган жиноятчилик ўта мураккаб ижтимоий-салбий ҳодиса бўлиб, унинг олдини олиш ва бартараф этиш фақатгина жиноят қонунчилигидаги тақиқловчи ҳамда жазоловчи чоралар мажмуи билан чекланиб қолмаслиги, балки моҳиятан комплекс ижтимоий-ҳуқуқий хусусият касб этиши лозим. Криминологияда мазкур чора-тадбирлар тизими “умумижтимоий профилактика чоралари” сифатида эътироф этилиб, буни бевосита ёшлар муҳитидаги муносабатларни инсонпарварлик, эркинлик ва ижтимоий адолат тамойиллари асосида тубдан ислоҳ қилиш деб баҳолаш мумкин. Мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари мазкур умуминсоний мезонларга қанчалик яқинлашса ва ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётий манфаатлари шунчалик

тўлиқ таъминланса, жамиятда маргинал ёшларнинг криминал тузилмаларга жалб этилиши ҳамда деструктив гуруҳий жиноятларнинг юзага келиши учун хизмат қилувчи ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар шунчалик кескин камаяди [4].

Бизнингча, В.Е. Эминов ва С.В. Максимовларнинг ушбу хулосалари бугунги кун миллий амалиётимиз, хусусан, ёшлар ўртасидаги гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш йўналиши учун ҳам ғоятда ўринлидир. Ҳақиқатан ҳам, ёшларнинг деструктив жиноий тузилмаларини фақатгина жиноят-ҳукуқий чоралар ёки локал тезкор-қидирув тадбирлари орқали тўлиқ бартараф этиб бўлмайди.

Ёшларнинг криминал гуруҳларга бирлашишига замин яратувчи асл сабабларни яъни уларнинг хуфёна иқтисодиётга жалб этилиши, ижтимоий маргиналлашуви ва бандлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган мажмуавий “умумижтимоий профилактика” тизимигина кутилган натижани бериши мумкин.

Уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бу, давлат назоратидан ташқари бўлган мўмай даромадларни қисқа муддатда қўлга киритишга интилишдир. Олимлар Д.И. Горбенко ва В.В.Картавченколари таъкидлашича, даромадларни декларация қилишнинг реал механизми йўқлиги ва коррупциянинг кенг ёйилиши жиноий ташкилотларга ноқонуний йўл билан топилган маблағларни эркин легаллаштиришга ёрдам беради [5].

Шу билан бирга, Ю.Г. Наумов ва Ю.В. Латовларнинг тадқиқотларига кўра, замонавий уюшган жиноятчилик трансмиллий характерга эга бўлиб, жиноий тузилмалар ўз-ўзини молиялаштириш мақсадида умумжиноий фаолиятга (наркотрафик, ноқонуний пул ўтказмалари) фаол жалб этилмоқда. Олим С. Кайзернинг (S. Kiser) фикрича, ҳозирги кунда молиялаштириш жараёни хусусиятлари

ўзгариб, маблағлар марказлашмаган ҳолда, кўплаб манбалардан кичик миқдорда ўтказилмоқда, бу эса молиявий оқимларни кузатиш ва фoш этишни кескин мураккаблаштиради [6].

Мазкур олимларнинг илмий хулосаларига тўлиқ қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, бу фикрлар бугунги кундаги ёшлар ўртасидаги уюшган жиноятчиликнинг молиявий табиатини очиб беришда ҳам фoятда долзарбдир. Ҳақиқатан ҳам, замонавий ёшлар жиноий тузилмалари (айниқса, киберфирибгарлик ва синтетик наркосавдо тармоқлари) банк назоратига тушиб қолмаслик мақсадида йирик транзакциялардан онгли равишда воз кечиb, жиноий маблағларни кўплаб электрон ҳамёнлар, банк карталари ва криптовалюталар орқали кичик қисмларга бўлиb ўтказиш тактикасидан кенг фойдаланмоқда.

Мазкур ҳолат миллий тезкор-қидирув амалиётида анъанавий молиявий мониторинг усуллари ўз самарадорлигини йўқотаётганини кўрсатиb, тезкор бўлинмалар фаолиятига марказлашмаган молиявий оқимларни кузатиш, катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва рақамли изларни ҳужжатлаштиришга қодир бўлган инновацион воситаларни зудлик билан жорий этишни тақозo этади.

Жиноий молиявий оқимларни яширишда норасмий пул ўтказмалари тизимлари, аиниқса, “Хавала” тизими алоҳида хавф туғдириb, узoқ масофалардаги криминал алоқаларни таъминлаб бермоқда. Олимлар А.И.Добаев, И.П. Добаев ва Т.В. Игнатоваларнинг илмий хулосаларига кўра, интернет-банкнинг ва замонавий тўлов тизимлари имкониятларидан фойдаланувчи “хавала”дорларнинг фаолияти УЖГларни узлуксиз яширин молиявий инфратузилма билан таъминлайди [7].

Муаллифларнинг ушбу фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда қайд этиш мумкинки, норасмий ва муқобил тўлов тизимларининг (шу жумладан, замонавий рақамли “хавала” усуллариининг) кенг

оммалашуви ёшлар ўртасидаги трансмиллий жиноятларнинг хусусан, масофавий киберфирибгарлик ва онлайн наркотиклар савдосининг шиддат билан ўсишига хизмат қилмоқда.

Ёшларнинг жиноий тузилмалари давлатнинг расмий банк назорати ва молиявий мониторинг тизимларини айланиб ўтиш мақсадида айнан мана шундай яширин молиявий инфратузилмалардан фаол фойдаланмоқда. Бу ҳолат ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари олдига нафақат анъанавий молиявий муассасалардаги транзакцияларни, балки интернет-банкнинг, P2P-платформалари, электрон ҳамёнлар ва криптовалюталар орқали транзит шаклида амалга оширилаётган норасмий ўтказмаларни аниқлаш, чуқур таҳлил қилиш ва процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш имконини берувчи мутлақо янги, юқори технологик изқуварлик механизмларини зудлик билан амалиётга жорий этиш вазифасини долзарб қилиб қўяди.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, тезкор-қидирув ва тергов амалиётида узок йиллар давомида сақланиб келаётган энг долзарб муаммолардан бири бу, ёшлар ўртасидаги уюшган жиноий гуруҳларнинг молиявий-иқтисодий негизини йўқ қилиш ва уларни яширин таъминловчи шахсларни жавобгарликка тортишдаги ҳуқуқий бўшлиқлар ҳисобланади.

Бугунги кунда ёшларнинг деструктив тузилмалари хусусан, киберфирибгарлик тармоқлари, синтетик наркосавдо ва виртуал молиявий пирамидалар узлуксиз капитал ва замонавий технологик воситаларни талаб қилади. Бироқ, амалиётда ушбу жиноий гуруҳларни молиялаштирувчи, уларга яшаш жойлари, транспорт ва алоқа воситаларини сотиб олиб берувчи ёхуд жиноий фаолият учун пул маблағларини йиғувчи (“общак” сақловчи) “ҳомийлар”ни бевосита жиноят иштирокчиси сифатида квалификация қилишда жиддий процессуал мураккабликлар юзага келаётган эди. Чунки ушбу шахслар

аксарият ҳолларда жиноятнинг объектив томонида масалан, зўравонлик ёки ўғирликда бевосита иштирок этмаганлиги сабабли, уларнинг ҳаракатларини амалдаги Жиноят кодексининг 242-моддаси [8] яъни Жиноий уюшма ташкил этиш билан тўлиқ қамраб олиш имконсиз бўлиб, бу жиноий гуруҳларни молиявий қўллаб-қувватлаган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига шароит яратмоқда.

Мазкур амалий муаммони концептуал жиҳатдан бартараф этиш ва халқаро стандартларни (хусусан, ФАТФ талабларини) миллий амалиётга имплементация қилиш мақсадида жиноят қонунчилигига янги норма — Жиноят кодексининг 242¹-моддаси (Жиноий уюшма фаолиятини молиялаштириш) киритилаётгани тезкор бўлинмалар фаолиятида муҳим бурилиш ясайди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари ҳамда ИИО тезкор бўлинмаларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, мавжуд тактик ва ташкилий-услубий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган муаллифлик таклифимиз қуйидагича шакллантирилди:

242¹-модда. Жиноий уюшма фаолиятини молиялаштириш

Жиноий уюшма фаолиятини молиялаштириш, яъни била туриб жиноий уюшманинг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини молиялаштиришга қаратилган фаолият —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақамли технологиялар асрида ёшлар ўртасидаги гуруҳий ва уюшган жиноятчиликнинг

марказлашмаган, виртуал ва яширин молиялаштириш тизимларига ўтаётгани ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларидан анъанавий иш усулларида воз кечиб, инновацион изқуварлик ҳамда ташаббускор тактик алгоритмларни зудлик билан жорий этишни талаб қилмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олишда фақат тақиқловчи ва жазоловчи чоралар билан чекланмай, уни юзага келтирувчи ижтимоий-иқтисодий сабабларни бартараф этишга қаратилган мажмуавий “умумижтимоий профилактика” тизimini шакллантириш ҳамда жиноий гуруҳларни молиявий таъминловчи шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи Жиноят кодексининг 242¹-моддасини амалиётга киритиш орқали уларнинг молиявий-иқтисодий негизини тубдан йўқ қилиш ушбу соҳадаги кураш самарадорлигини оширишнинг энг мақбул ва стратегик муҳим ечими ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-10-сон Фармони. Манба: <https://lex.uz/ru/docs/6755597>
2. Бобоева Г. Тўққиз ойда ёшлар жиноятчилиги 16,6 фоизга камайди / ЎЗА расмий веб-сайти. 2025. Манба: <https://uza.uz/uz/posts/toqqiz-oyda-yoshlar-zhinoyatchiligi-166-foizga-kamaydi> 781899
3. Тамбовцева Г.М. Проблемы борьбы с организованной преступностью: На материалах Восточно-Сибирского региона: Автореферат дисс. канд. юрид. наук. – Иркутск, 2001. – 24 с.
4. Эминов В.Е., Максимов С.В. Концепция борьбы с организованной и коррупционной преступностью в России: Монография. – М.: Норма: НИЦ ИНФРА-М, 2015. – 80 с.

5. Горбенко Д.И., Картавченко В.В. Факторы, определяющие рост организованной преступности. Ответственность за финансирование организованной преступности // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. – 2018. – С. 90-94.
6. Наумов Ю.Г., Латов Ю.В. Роль организованной преступности в финансировании терроризма и экстремизма // Вестник Российской академии естественных наук. – 2016. – № 4. – С. 53-57. / Kiser S. Financing Terror: An Analysis and Simulation for Affecting Al Qaeda's Financial Infrastructure. – RAND Corporation, 2005. Манба: http://www.rand.org/pubs/rgs_dissertations/2005/RAND_RGSD185.pdf
7. Добаев А.И., Добаев И.П., Игнатова Т.В. Криминологические особенности финансовых операций посредством системы «хавала» // Россия и мусульманский мир. – 2019. – № 4 (304). – С. 102-118.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 242-модда. Жиноий уюшма ташкил этиш. Манба: <https://lex.uz/ru/docs/111453>